



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 20 ноябрь, № 239 (8862)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг
телефонингиз орқали сканер қилинг.



УЛКАН ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ, УНИ ҲАЛОЛ ВА СОДИҚ ХИЗМАТ БИЛАН ОҚЛАШ БАРЧАМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР

Тошкент шаҳрида 19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.



Тадбирни Марказий сайлов комиссияси Раиси Зайниддин Низомижаев очди.

Давлатимиз мадҳияси янгради.

Ялпи мажлис ишини ташкил этиш учун котибият ва электрон овоз бериш назорати бўйича гуруҳ тузилди, кун тартиби тасдиқланди. Марказий сайлов комиссияси Раиси Олий Мажлис Сенатига сайлов натижалари тўғрисида ахборот берди.

Бу жараён янги тахирдаги Ўзбе-

кистон Республикаси Конституцияси ҳамда такомиллаштирилган миллий сайлов қонунчилигига биноан ошқора ва адолатли ўтгани таъкидланди. Асосий Қонунимизга мувофиқ Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан аширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон

Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — 4 кишидан сайланди. Яна 9 нафар сенатор Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тайинланди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари янги таркибдаги Сенат аъзоларини юксак ишончга сазовор бўлганлари билан самимий табрикледи.

Юқори палатанинг аввалги таркиби мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшгани таъкидланди. Охириги беш йилда юқори палата томонидан 106 марта ҳисоботлар эшитилган, ижро органларига 1 минг 300 та сўров киритилган. Парламентнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам сезиларли даражада ошган. Ўтган даврда хорижий давлатлар билан парламентлараро дўстлик гуруҳлари сони 26 тадан 73 тага етган.

Конституциявий ислохотлар на-

тижасида Сенат таркиби ихчамлашиб, унинг аъзолари сони 100 нафардан 65 нафарга қисқарди. Айни вақтда сенаторларнинг ваколатлари ва масъулияти бир неча баробар ошди. Хусусан, юқори палатанинг парламент назорати ва бир қатор муҳим давлат органларини шакллантиришдаги иштироки сезиларли равишда кенгайтирилди. Сенатга ҳам қонунчилик таклифи киритиш ҳуқуқи берилди.

Президент бугун дунёдаги вазиятга йиғилганлар эътиборини қаратиб, тинчлик ва бирлиkning аҳамиятини таъкидлади.

— Мана шундай ғоят таҳликали вазиятда биз фақат кучли ирода, бирлик ва ҳамжиҳатлик, қаттиқ меҳнат билангина юртимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга эриша оламиз.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли Сенат аъзолари!

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни юксак ишончга сазовор бўлиб, Олий Мажлис Сенати аъзоси этиб сайланганингиз билан чин қалбидан самимий муборакбод этаман. Албатта, сенатор деган ном — юксак ва шарафли мақом, шу билан бирга, улкан масъулият эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Сизлар Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз учун тинч ва осойишта, эркин ва фаровон ҳаёт яратиш йўлида бор билим ва тажрибангизни, куч ва салоҳиятингизни ишга солиб, халқимиз ишончини оқлайсиз, деб умид қиламан.

Кучли рақобат, адолат ва ошқоралик руҳида ўтган сайловлар натижасида бешинчи қаҳриқ Сенатнинг таркиби сифат жиҳатдан юқори даражада шаклланди. Бугун сизларнинг тимсолингизда қўллаб етакчи соҳа ва тармоқлар вакилларини, таниқли сиёсат, иқтисодиёт, илм-фан ва маданият намояндаларини кўриб турганимдан хурсандман.

Сенаторларимизнинг интеллектуал салоҳияти ҳақида гапирганда, уларнинг ҳар 3 нафаридан бири илмий даражага эга эканини алоҳида таъкидлаш керак.

Эътиборлиси, Сенат аъзоларининг қарийб 27 фоизи ёки 16 нафари хотин-қизлардир. Бу эса оила, оналик ва болалик, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, умуман, ижтимоий масалалар бўйича қонунчилик фаолияти ҳамда парламент назоратини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловлар давлатимиз ва жамиятимиз ривожига ҳам, маҳаллий Кенгашлар фаолиятида ҳам янги даврни бошлаб бермоқда, десак, тўғри бўлади.

Янги сайланган маҳаллий Кенгашлар таркиби ва мақомига кўра олдинги ҳолатдан мутлақо фарқ қилади. Уларнинг таркиби қарийб 60 фоизга янгиланиб, 3 мингдан ортиқ юртдошларимиз илк бор депутат бўлгани ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, маҳаллий Кенгашларда аёл депутатлар улуши 32 фоизга етгани, 30 ёшгача бўлган депутатлар сони 3,5 карра ошиб, 266 нафарни ташкил этгани Сенат фаолиятини янгича ёндашув ва қарашлар асосида ташкил этишда муҳим роль ўйнайди.

Бугунги мажлисда иштирок этаётган сенаторларнинг аксарияти бир вақтнинг ўзига маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамдир.

Барчамиз яхши тушунамиз, дунё микёсидаги вазият мисли кўрилмаган даражада кескин ва мураккаб бўлиб бораётган ҳозирги шароитда юртимиз тинчлиги ва раванқини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам устувор вазифага айланмоқда.

Буюк шоир ва мутафаккир Пахлавон Махмуд бобомиз айтганларидек, қадимги аждодлар битта тўфон кўрган бўлса, бугун биз мингта тўфон кўрмоқдамиз. Чиндан ҳам, биз дуч келаётган глобал муаммоларнинг ҳар бири битта тўфон эмасми?

Турли минтақалардаги қонли тўқнашувлар, экологик ва техноген фожиалар, иқлим ўзгаришлари, иқтисодий инқирозлар, терроризм ва экстремизм таҳдидлари, қочоқлар муаммолари тобора кучайиб бораётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

Мана шундай ғоят таҳликали вазиятда биз фақат кучли ирода, бирлик ва ҳамжиҳатлик, қаттиқ меҳнат билангина юртимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга эриша оламиз. Ҳурматли сенаторларимиз, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларимиз ана шу ўткир ҳақиқатни, ўз зиммаларидаги улкан масъулиятни чуқур англаб иш олиб борадилар, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган улуғвор вазифаларни амалга оширишда юқори палатанинг аввалги таркиби муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, аёллар ҳуқуқларини ишончли таъминлаш, хотин-қизлар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш масалаларида Сенат алоҳида фаоллик кўрсатди. Охириги беш йилда

юқори палата томонидан 106 марта ҳисоботлар эшитилгани, ижро органларига 1 минг 300 та сўров киритилгани ҳам муҳим ижобий натижадир.

Парламентнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам сезиларли даражада ошиб бормоқда. Ўтган даврда хорижий давлатлар билан парламентлараро дўстлик гуруҳлари сони 26 тадан 73 тага етди. Сенатимиз Осиё хотин-қизлар форуми, Марказий Осиё давлатлари парламентлараро форуми каби йирик халқаро тадбирларга мезбонлик қилди.

Парламентлараро Иттифоқ ассамблеясининг 150-сессияси, яъни юбилей анжумани келгуси йили пойтахтимизда ўтказилиши ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Сенат ушбу нуфузли халқаро форумини ҳам юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга бошчилик қилса, ўйлайманки, айни муддао бўлади.

Шу ўринда Сенатда давлатлараро келишувлар ижроси устидан парламент назоратини таъминлаш бўйича илк бор ижобий амалиёт йўлга қўйилганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Муҳтарам сенаторлар! Конституциявий ислохотлар натижасида Сенат таркиби ихчамлашиб, унинг аъзолари сони 100 нафардан 65 нафарга қисқарди. Айни вақтда сенаторларнинг ваколатлари ва масъулияти бир неча баробар ошди. Хусусан, юқори палатанинг парламент назорати ва бир қатор муҳим давлат органларини шакллантиришдаги иштироки сезиларли равишда кенгайтирилди.

Яна бир муҳим масала. Илгари сенаторларимиз назорат тадбирларида ёки сайловчилар билан учрашувларда қонунларда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ ваколатга эга эмас эди. Янги сайланган сенаторларимиз бу жараёнларда энди фаол бўладилар, деб ишонаман.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари! Энди юқори палата ўз фаолиятида

тўлиқ ишга солиши лозим бўлган имконият ва йўналишларга тўхталиб ўтсак.

Конституцияда Сенат ҳудудий вакиллик палатаси экани белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, олдинги қаҳриқда Сенат маҳаллий Кенгашлар билан мулоқот ва ҳамкорлик борасида фақат дастлабки кадамларни қўйганини тан олиш лозим. Масалан, маҳаллий Кенгашлар 15 дан ортиқ масалалар бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлса-да, уларни тайёрлаш, келишиш ва тасдиқлаш бўйича ягона тартиб ҳалигача ишлаб чиқилмаган.

Яна бир масала. Маҳаллий Кенгашларга кўп ваколатлар бериб, мақомини анча оширдик. Лекин, афсуски, Кенгаш депутатлари таҳриба алмашадиган, малака ва амалий кўникмасини ошириб борадиган тизим йўлга қўйилмади. Ўйлайманки, ушбу масала ҳам Сенатнинг янги таркиби эътиборидан четда қолмайди.

Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашларнинг энг яхши таҳрибаларини бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштириш, намунали Кенгашларни эътироф этиш ҳам йўлга қўйилса, албатта, ишимизнинг самараси янада ошади.

Асосий Қонунимизга мувофиқ Сенат 10 дан зиёд юқори мартабали мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитади. Ўтган беш йилда бундай ҳисоботлар 100 мартадан ортиқ эшитилган. Лекин ҳисоботлар кўп ҳолларда чуқур таҳлиллар ўтказмасдан кўриб чиқилмоқда. Масалан, жиноятчилик масаласини олайлик. 2024 йилнинг 9 ойида мамлакатимиз бўйича 45 мингдан зиёд шахс жиноятга қўл урган. Андижон, Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида ўғрилик, Навоий, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида фирибгарлик, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида гиёҳвандлик жиноятлари бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқ содир этилган.

Сенат парламент назорати доирасида мавжуд ахволни пухта таҳлил қилиб “қизил” ҳудудлардаги вазиятни назоратга олса, бу борада қатъий сўров ўтказса,

ўйлайманки, вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мумкин.

Қадрли юртдошлар!

Сўнгги йилларда кенг қўламли демократик ислохотларимиз туфайли Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни яхшиланиб бормоқда. Мамлакатимиз рейтингини қонун устуворлиги бўйича 8 поғона, электрон ҳукумат бўйича 18 поғона, иқтисодий эркинлик бўйича 49 поғона, логистика ва инновация бўйича 10 поғона юқори кўтарилди.

Бундай муҳим ютуқларни эътироф этган ҳолда биз айни вақтда бу йўналишларда ҳали яна кўп иш қилишимиз зарурлигини яхши тушунамиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон нуфузли халқаро минбарлардан катта-катта ташаббусларни илгари сурмоқда. Албатта, уларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга, хорижий ва маҳаллий экспертларга етказишда сенаторларимиз фаол бўлишларини барчамиз истаймиз. Аммо, афсуски, уларнинг бу борадаги роли етарли даражада сезилмаяпти. Сенатдаги халқаро ишларга масъул кўмита ҳам ушбу масалада анча суст ишлаяпти. Умид қиламанки, юқори палатамизнинг янги таркиби мазкур йўналишдаги фаолиятини яхшилайди.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги таҳликали замон барчамиздан ўз ишмизини танқидий баҳолаб, уни бутунлай янгича ташкил этишни такозо этмоқда. Шу муносабат билан Сенат олдида турган долзарб вазифаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, янгиланган Конституциямизда Сенат билан Қонунчилик палатаси ваколатларидаги такрорий ҳолатлар бартараф этилиб, уларнинг ҳар бирига тегишли вазифалар аниқ кўрсатилди.

Энди Сенат қонунларни муҳокама қилишда янгича механизмларни жорий этиши зарур. Айниқса, қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий Кенгашларни кенг жалб этиш, ҳар бир қонун бўйича уларнинг фикрини олиш амалиётини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.



ҲАР БИР БОЛА
МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Бугун глобаллашган дунёда бола ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, биринчи навбатда, бола ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалар ишлаб чиқиш, бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус назорат органи тузиш, давлатларнинг миллий қонунчилигини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш орқали амалга оширилиши.

БМТ 1954 йилги резолюциясида барча мамлакатга 20 ноябрни Бутунжаҳон бола кун

сифатида нишонлашни тавсия этган. Кейинги йилларда ушбу сана муносабати билан Ўзбекистон шаҳарларидаги тарихий ва замонавий объектлар кўк рангда ёритилади. Бундан мақсад — жамоатчилик эътиборини бола ҳуқуқлари масаласига қаратиш.

Бола ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи Ўзбекистон учун доим устувор мақсадлардан бири бўлиб келмоқда.

Аҳолисининг асосий қисmini ёшлар ташкил қилган мамлакатимиз учун бола ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг биринчи бўлиб, яъни 1992 йил 9 декабрда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларнинг ичида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиши бунинг яққол намунаси.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда болалар манфаатларига қаратилган давлат сиёсати амалга оширилган экан, “Ҳеч бир бола эътибордан четда қолмайди” тамойилига амал қилинаётди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш бўйича қарорларни қабул қилиш, шунингдек, бепул телефон линияси орқали ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олишни мумкинлиги белгиланди.

Қонуни билан биринчи марта зуравонликдан жабрланган болаларга ҳимоя орденини бериш механизми жорий этилмоқда.

Янги Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун халқаро стандартларга асосланган ҳуқуқий ва институционал база шаклланди, десак, айни ҳақда.

Мамлакатимизда мажбурий ва болалар меҳнатига қарши курашининг ташкилий механизми яратилди. Болалар меҳнатига барҳам беришнинг қонунийлик асослари қўйилди. Қўрилган чоралар юртимизда болалар меҳнатининг ҳар қандай шаклларида барҳам беришда муҳим аҳамият касб этди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясининг қатор бандлари бола ҳуқуқларини

“А” гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўз ўйинларини Лаос мамлакатининг пойтахти Вьентьян шаҳрида ўтказётган Корей Халқ Демократик Республикаси терма жамоасига қарши саф тортди. Бир тур олдин Қатарга 2:3 ҳисобида мағлуб бўлган Сечко Катанец шоғирдларини мазкур ўйинда фақат галаба қозонди.

Негаки, галаба қозонсақ, яна ҳаммаси хойига тушиб, мундиалга чиқиш учун қулай имкониятни сақлаб қолардиқ...

Беллашув Ўзбекистон миллий терма жамоасининг кетма-кет ҳужумлари билан бошланди. Шундай вазиятлардан бири 44-дақиқада самара келтирди.

А. Файзуллаев жарима майдони ташқарисидан зарба

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи»).

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

УНИНГ МАҲСУЛИДАН
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ
ҚАДРИЯТЛАРГА ПУТУР
ЕТИШИГА ЙЎЛ
ҚЎЙМАСЛИК ЗАРУР

Илм-фан, ахборот-коммуникация технологиялари жадал тараққий этиб бораётган, тўртинчи sanoat инқилоби даври деб аталаётган бугунги шароитда ривожланган мамлакатларда давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, sanoat, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт, бандлик, қишлоқ хўжалиги, мудофаа, хавфсизлик, туризм ва бошқа соҳаларда замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш кун тартибига чиқмоқда. Бундай шароитда замондан ортда қолиб бўлмайди.

Нуктаи назар

Зеро, ҳозирда технологик тараққий этган давлатлар иқтисодий жиҳатдан ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш билан бирга сунъий интеллект соҳасида илгарилаб кетиши ривожланаётган ва ривожланишдан ортда қолган давлатларга ўз таъсирини ўтказишга кенг имкониятлар яратиб беради. Боз устига кейинги ўн йилликда ахборот технологиялари ва сунъий интеллект иқтисодий, геосиёсий ва мудофаа соҳаларида кўплаб давлатлар ривожининг асосий омиллари бўлиб қолмоқда.

Инсоният сунъий интеллект орқали XXI аср глобал муаммоларига илм-фанда янги имкониятларни кашф этиш орқали ижобий ечимлар топиши билан бир қаторда ҳаёт тарзининг тиббиёт, таълим ва бошқа барча соҳасида сифатли хизмат кўрсатиш имкониятларига эришади. Сунъий интеллектнинг яхши жиҳатлари кўп. У сизга яхши ёрдамчи бўлиш билан бирга даромад олиб келадиган инструмент ҳам бўла олади. Сунъий ақл кечаю кундуз ишлаши, бир вақтнинг ўзида миллионлаб одамлар билан алоқа қилиши, инсониятнинг бутун илмларига қира олиши билан башариётини хайратга солмоқда. Улар кўп ишларда одамлар ўрнини босиши ажабланишли ҳол бўлмай қолди.

Хуллас, замон шиддат билан ўзгариб жажонда ҳар бир соҳага сунъий интеллект, рақамли технологиялар кириб келяпти. Бу борада юртимизда ҳам қатор лойиҳалар бошланган. Мисол учун, “MyID” ва “UzFace” дастурлари ташкилотлар, банк, электрон савдо майдончалари ва тўлов тизимларида жорий қилиниб, 10 миллион фойдаланувчини масофавий биометрик идентификация қилиш имконияти яратилди. “Ўзбеккосмос” сунъий интеллектни қўллаб, 43 мингга яқин ер қазирдан ноқонуний фойдаланиш ва руксатсиз қурилиш ҳолатларини аниқлади.

Юртимизда рақамли иқтисодиётга ўтиш, ахборот технологиялари ва сунъий интеллектни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни рағбатлантириш орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, ҳар бир соҳага инновацияларни жорий этиш, мавжуд институционал-хуқуқий, маъмурий ҳамда бошқа мавжуд тўсиқларни бартараф қилиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 октябрдаги “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини қабул қилинди.

Бу эса ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизнинг сунъий интеллект технологияларидан фойдаланувчи дунёнинг етакчи давлатлари қаторига қиришига эришиш, шунингдек, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Кўрсатиладиган
хизматлар ҳажми
оширилади

Қарорга мувофиқ сунъий интеллект асосида яратилган дастурий махсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажми 1,5 миллиард АҚШ доллариغا етказилади. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида сунъий интеллект асосида кўрсатилаётган хизматлар улуши, соҳадаги илмий лабораториялар сони оширилади. Ҳукуматнинг сунъий интеллект тайёрлик индексида Ўзбекистон Республикасининг биринчи 50 таликдаги давлатлар қаторига қиришиши мақсадларига йўл очади.

нологиялари соҳасида институционал бошқарув шакллантирилади.

Тўртинчидан, сунъий интеллект технологиялари бўйича этика қоидалари ишлаб чиқилади.

Бешинчидан, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологиялари кенг жорий этилади. Корхона ва ташкилотларда иш жараёнларини автоматлаштириш орқали вақт ва ресурслардан самарали фойдаланилади.

Олтинчидан, олий таълим муассасаларида сунъий интеллект бўйича малакали мутахассислар тайёрланади ва ушбу йўналишдаги битирувчилар сони ошади.

Инсоният учун
қанчалик хавфли?

Бугун дунёда сунъий интеллект мавзуси жуда кўп муҳокима қилинмоқда. Кейсидар ахборот каналларида унинг оламшумул ютуқлари ёзилаёт-

технологиялари муваффақиятли ёрдам бериши мумкин. Ҳозирги вақтда ушбу восита иқтисодиётнинг барча соҳасида кенг қўлланилмоқда. Сунъий интеллект технологияларини қишлоқ хўжалигида ва у билан туташ бўлган соҳаларда ҳам қўллаш учун алоҳида тўсиқлар мавжуд эмас. Ушбу технология ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштиришга қўмаклашди, шунингдек, катта ҳажмли тузилмага эга бўлмаган маълумотларда яширин боғлиқликларни аниқлаш имконини беради.

Ҳуқуқий
асосни
яратиш долзарб

Қайд этиш жоизки, сунъий интеллектни ижтимоий ва бошқа соҳаларга жорий қилишда шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги, уларни сақлаш ва бошқариш му-

“Ҳозир дунёдаги ҳукуматлар, йирик компания ва ташкилотларнинг деярли барчаси сунъий интеллектни ривожлантириш соҳасидаги стратегиялар бўйича иш олиб бормоқда. Аммо ҳеч ким, ҳатто сунъий интеллектни ишлаб чиққанларнинг ўзлари ҳам бу ақл бовар қилмас технология ютуғи охир-оқибатда нималарга олиб келиши эҳтимоли ҳақида аниқ тушунчага эга эмас.”

ган бўлса, бошқасида ахлоқий жиҳатлари танқид қилинапти. Шунингдек, сунъий интеллект бўйича тадқиқотчи олимларнинг бу борадаги башоратлари ҳам турлича.

Хўш, сунъий интеллект инсоният учун қанчалик хавфли? Ростдан ҳам, бу савол ҳозир жуда долзарб. Сунъий интеллектнинг айнан ўзидан қўриш керак эмас, балки уни яхшилаб ўрганиш керак. Сунъий интеллект медиа соҳасига шиддат билан кириб келди. Айниқса, тасвир устида ишлаш, монтаж қилиш каби биларда кўл келяпти. Чет элда шу даражага чиқиди, телевидениеда бошловчиларнинг сунъий интеллект шакли яратилиб, дастурлар олиб боришмоқда.

Самбий томонлар ҳамма нарсани бор. Дейлик, оддий пичоқдан ошхона анжоми сифатида ҳам, қурол сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Сунъий интеллект ҳам нима мақсадда, кимнинг қўлида ишлатилишига қараб фойдали ёки зарарлидир. Аслида сунъий интеллект жуда яхши ёрдамчи. Масалан, унинг ёрдамида роботлар операциялар ўтказяпти, касалларга таълим қилипти. Илгари 3D мультфильмларни ишлаш учун олдин бир неча ойлар, йиллар вақт кетган бўлса, ҳозир сунъий интеллект ёрдамида жараён анча тезлашди. Персонажни оддий сўзлар ёрдамида ёзиб, уни яратиш мумкин. Анимацияда ҳам сунъий интеллект жуда ривожланиб бормоқда.

Ҳозирча сунъий интеллектда ҳиссиётлар йўқ, фақат маълум алгоритмлар асосида ишлайди, матнларни ўрганади. Ҳиссиётларнинг борми, деб савол берилса ҳам, менда ҳиссиёт йўқ деган жавобни беради. Таълим соҳасида ҳам сунъий “ақл”нинг ўрни катта. Ҳар қандай фанни унинг ёрдамида ўрганиш мумкин, баҳолаб ҳам боради, қандай хато қилаётганингизни ҳам кўрсатади.

Агар замон билан ҳамнафас юрмоқчи бўлсак, сунъий интеллектни ўрганишимиз керак. Ўзи шундоқ ҳам кеч қоляймиз, бу соҳада ҳар кун янгилик бўляпти. Уларни ўзлаштириш ва тараққий эттиришга ҳисса қўлиш шарт. Бундан ташқари, аҳоли сонининг ўсиши ва ҳудудлар ер ресурсларининг чегараланганлиги шароитида аҳоли истеъмоли учун тайёр махсулотларнинг етмаслиги, шунингдек, истеъмолчилар учун унинг юқори сифатини таъминлаш муаммоси янада кучаймоқда.

Ушбу муаммони ҳал қилишда сунъий интеллектнинг замонавий

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 11 278 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Зоҳиджон ҒОҒУРОВ,
Қўқон университети директори, доцент.

Таҳририятга келган кўлашмалар тақрир қилинмайди ва малафга қайтарибмайди.

Газетанинг муҳаббат берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жаъобар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсүл.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.40 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-йў.

Навбатчи муҳаррир — 3. Худойикуров.

Мусаҳҳих — Ш. Машраббеов.